

Закотни ўз вақтида адо этиш зарур



16:08 452

هُلِّلَا يِضَرَ رَؤْيِرُهُ يِبَا نَع
هُلِّلَا يِلَّصَّ يِبَّنَلَا نَع ، هُنَع
نَمَام : لِقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
الِةَضْفِ الْوِ بَهَذِ بِحِ اص
نَاكْ اِذَا اِلَّا هَقَحْ اَهْنَمِ يِدْوِي
هَلْ تَحْفُصْ هَمَايِقُلَا مُوِي
يِمْحُفُ رَانَ نَمَحِ اِفَص

مَنْ نَهَجَ رَانَ يَفِ اهْيَلَع
هُنِي بَجَّوْ هُبَنْجِ اِهَبِ يَوْكُيَفِ
تَدِيْعُ تَدْرَبِ اَمْلُكُ ، هُرَهَظُو
هُرَادِقِمَ نَاكِ مَوِي يَفِ ، هَلِ
يْتَحِ هَنْسَ فَلَ اَنِي سَمَخِ
يَرِيَفِ ، دَابِغِ لَانِي بِيَضِقِي
اَمِ اَوْ هَنْجِ لِي اَمِ اَهْلِي بَسِ
لَوْ سَرَ اِي : لِي قِي رَانِ لِي اِ
اَلَوْ : لِقِ ؟ لِبِ اِلِ اَفِ هَلِ لِي
اَهْنَمِ يَدُوِي اَلِ لِبِ اِبِحِ اَصِ
مَوِي اَهْبَلِحِ اِهَقِحِ نَمَوِ ، اَهَقِحِ
مَوِي نَاكِ اِذَا اَلِ ، اِهْدُرُو
عِاقِبِ اَهْلِ حَطْبِ هَمِ اِي قِلِ اِ

الْتَنَاكْ أَم رَفْوَ أَرْقِرَقْ
،أِدِحْ أَو أَلِي صَفْ أَهْنَمُ دِقْفَي
هُضَعَتْ وَ أَهْفَافُ خَابُ هُوطُتْ
هُيَلَعُ رَمُّ أُمَّلُكْ ، أَهْأَوْفَابُ
مُؤَيِّي فِ أَهْأَخُ أَهْيَلَعُ دُرْ أَهْأَلُؤُ
فَلْأَنْي سَمُخُ هُرَادِقُمْ نَاكْ
نُيْبُ يَضُقِي يَّتَحِةً نَسْ
أُمَّهُ لِي بَسْ يَرِي فِ ، دَابِغُ لَأ
رَأْنَلَأ يَلَأْ أُمَّأَوْ هُنَجُ لَأ يَلَأْ
، هَلْ لَأ لُؤْسَرَأِي : لِي قِ
أَلَو : لَأ قِ ؟ مَنَعُ لَأ أَوْ رَقَبُ لَأ فِ
يَدُؤِي أَلِ مَنَعُ أَلَوِ رَقَبِ بِحْ أَصْ
مُؤَيِّي نَاكْ إِذَا لَأْ ، أَهَّقَحْ أَهْنَمُ

عاقب أهْلَ حَطْبِ ةَ مَا يَ قُلَا
، أَيُّ يَشْ أَهُنْمُ دِقْفِي أَلِ رَقْرَقِ
أَلَوْ ءَأَصْقَعِ أَهِي فَ سَيْلِ
هُ حَطْنَتِ ، ءَأَبْضَعِ أَلَوْ ءَأَخْلَجِ
، أَهْفِ أَلْظَابِ هُ وَّطَتِ و ، أَهِنْ وُرُقِبِ
هَيْلَعِ ۞ دُرْ أَهْ أَلِ وُأِ هَيْلَعِ ۞ رَمِ أَمْلُكِ
هُ رَادِقِمِ نَاكِ مَوِي يَ فِ ، أَهْ أَرْخُأِ
يِّتَحِ ةَ نَسَ فِ لَأِ نِي سِ مَخِ
يَ رِي فِ ، دَابِغِ لَأِ نِي بِ يَ ضِقِي
أَمِ أَوْ ةَ نَجِ لَأِ يَ لَأِ أَمِ أِ هَلِي بَسِ
أَلِ ةَ سِ مَخِ لَأِ هَا وِرِ رَانَ لَأِ يَ لَأِ
يِ ذِمَّرَتِ لَأِ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қайси бир тилла ёки кумуш соҳиби унинг ҳаққини адо этмас экан, албатта, қиёмат кунда унинг учун оловдан бўлган тахтачалар тайёрланади. Улар жаҳаннам оловида қиздирилади. Сўнгра улар пешонасига, икки ёнбошига ва орқасига босилади. Совиб қолиши билан (яна қайтадан қиздирилиб,) унга қайтарилади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай қилинади. Кейин йўлини билади: ёки жаннатга ёки дўзахга бўлади», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, туя-чи?» дейилди. У зот:

«Қайси бир туя соҳиби ҳам унинг ҳаққини бермаса, сувга борган кун уни соғиш ҳам ҳаққидандир. Албатта, қачон қиёмат кун бўлса, уни у(туя)ларнинг олдига теп-текис, сип-силлиқ ерга ташлаб берилади. Уларнинг ҳаммаси, битта бўталоғи ҳам қолмай, тўлиқ бўлади. Уни туёқлари билан босадилар, оғизлари билан тишлайдилар. Унинг устидан бири ўтса, бошқаси қайтиб келаверади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда, одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай қилинади. Кейин йўлини билади: ёки жаннатга ёки дўзахга бўлади», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, қорамол ва қўй-чи?» дейилди.

«Қайси бир қорамол ва қўй соҳиби ҳам ундан ҳаққини бермаса, албатта, қиёмат кун бўлганда у уларнинг олдига теп-текис, сип-силлиқ ерга ташлаб берилади. Улардан бирортаси ҳам қолмайди. Уларнинг ичида шохи буралгани, шохсизи, шохи сингани бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси шохи билан уни сузади ва туёғи билан тепкилайди. Унинг устидан бири ўтса, бошқаси қайтиб келаверади. Эллик минг йил бўлган кунда, одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай қилинади. Кейин йўлини кўради: ёки жаннатга, ёки дўзахга», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бу ҳадиси шарифда закотни бермаган кишиларнинг ҳоли қиёмат кун қандай бўлиши жуда жонли тарзда васф қилинмоқда.

Қиёмат кунининг сифатларидан бири – миқдори эллик минг йил бўлган кундир. Ўша кун одамларнинг ҳаммаси тўпланиб, уларнинг ҳисоб-китоби битиб, жаннатий ёки дўзахий эканлиги ҳақида ҳукми илоҳий чиққунча ҳозирги дунё кунлари билан ҳисобланганда ана шунча муддат ўтади.

Бу дунёда закоти берилмаган олтин ва кумушлар қиёмат куни оловдан бўлган тахтачалар ҳолига келтирилиб, жаҳаннам оташида яна роса қиздирилиб, ўз эгасининг пешонасига, ёнбошларига ва орқасига босилар, унинг ўша аъзолари жизғинак қилиб куйдирилар экан. Агар у тахтачалар сал совиб қолса, яна қайтадан қиздирилар ва яна шиддат билан босилар экан. Шу ҳолат бу дунёнинг ҳисоби билан ҳисоблаганда, эллик минг йил давом этар экан.

Сўнгра ҳукм чиқиб, мазкур закотни бермаган одам дўзахий бўлса, дўзахнинг азобини тортгани равона бўлар экан. Агар Аллоҳ раҳм қилиб, бошқа амаллари кўплиги учун жаннатга ҳукм қилса, миқдори эллик минг йил бўлган кундаги тортган азоби билан қутулиб қолар экан.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу баённи эшитганлар туясининг закотини бермаганларнинг ҳоли нечук бўлишини сўрадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳолини ҳам батафсил баён қилиб бердилар.

Сўнгра саҳобаи киромлар қорамол ва қўйларнинг закотини адо этмаганларнинг ҳоли қандай бўлишини сўрадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бунга ҳам батафсил жавоб бердилар.

Ушбу ҳадисда Маҳшар куни закоти чиқарилиши фарз бўлган молу мулкнинг уч тоифаси бўйича закотни адо этмаганларнинг ҳоли қандай бўлиши васф қилинмоқда. Улар бутун халойиқнинг олдида шармандаи шармисор бўлиб, шунчалар азоб тортишар экан.

Албатта, бошқа тоифадаги мол-мулкнинг закотини бермаганлар ҳам муносиб жазо тортишлари турган гап. Тўғри, улар жаннатга киришлари мумкин. Лекин жаннатга киргунча шунча вақт азоб тортиш осонми?! Қолаверса, закотни бермаган банданинг жаннатга кирмай қолиш хавфи устун. Шунинг учун бу дунёда закотни ўз вақтида адо этишга ҳаракат қилмоқ зарур.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди